

## Соч эктириш мумкинми?

18:57 / 24.04.2016 10740

**Савол:** Тепакал бўлиб қолган йигит соч эктириши ёки парик кийиши мумкинми?

**Жавоб:** Бу ишлар “Аллоҳ соч уловчи ва улатувчини лаънатласин” ҳадиси остига кириб қолади. Бу тўғридаги муҳаққиқларнинг хулосаси шуки, агар соч эктирганда оддий соч каби давомли ўсадиган бўлса, бунда алдов ва ҳийла йўқдир. Аммо муваққат ўсиб, бир муддат ўтгач тўкиладиган бўлса, бу алдов ва ҳийладир. Хусусан, бу ишни қилиш турмуш қуриш вақтида ёки бошқа жинсни фитнаш қасдида бўлса, шубҳасиз ҳаромдир. Аммо мазкурларни мақсад қилмаса, ҳаром эмас. Валлоҳу аълам.

Мубашшир АҲМАД,

Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти мударриси